

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАЙДАРОВ КОМИЛ ДОНАБАЕВИЧ

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА УНИНГ УЗЛУКСИЗ
ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ АҲАМИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философских наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of (DSc)
on philosophical sciences**

Хайдаров Комил Донабаевич

Янгиланаётган Ўзбекистонда маънавий қадриятларнинг тикланиши ва унинг узлуксиз таълим тизимидаги аҳамияти..... 3

Хайдаров Комил Донабаевич

Возрождение духовных ценностей в обновляемом Узбекистане и его значение в системе непрерывного образования..... 31

Haydarov Komil Donabaevich

The reconstruction of spiritual values in a renewed Uzbekistan and its significance in the lifelong learning system 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 64

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАЙДАРОВ КОМИЛ ДОНАБАЕВИЧ

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА УНИНГ УЗЛУКСИЗ
ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ АҲАМИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Fa171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Назаров Қиём Нормирзаевич фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ҳажиева Мақсуда Султановна фалсафа фанлари доктори, профессор Норкулов Дусмурат Ташпулатович фалсафа фанлари доктори, профессор Хусейнова Абира Амановна фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№57-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё цивилизациялари ривожда инсоннинг маънавий-ахлоқий камолоти, унинг асосини ташкил этувчи таълим ва тарбия масалалари доимо ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келмоқда. Турли халқлар ва миллатларнинг давлатчилик тараққиётида маънавий-маърифий ўзгаришлар ўзига хос хусусиятлар асосида кечган бўлса-да, пировардида улар башарият равнақининг умумий қонуниятлари ва тенденцияларини белгиловчи бир бутун ижтимоий-сиёсий жараён сифатида намоён бўлмоқда. Инсониятнинг бош мақсади осуда ва фаровон ҳаётни таъминлашга қаратилган экан, бунда маънавий омилнинг аҳамияти ва таъсири янада ортиб бормоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнлари кескин суръатлар билан ривожланаётган бугунги шароитда инсониятнинг зийнати бўлган маънавий қадриятлар ва уларга бўлган эҳтиёжнинг кучайиб бориши мавзунинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон фалсафий илми тараққиётида, хусусан, Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккурида инсоннинг ахлоқий баркамоллиги, умуминсоний қадриятларнинг башарият равнақидаги устувор аҳамиятини илмий асослашга қаратилган тадқиқотлар ва уларнинг натижаларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ушбу йўналишдаги фалсафий фикр ривожда муайян тажриба тўпланганлиги ва унинг тадрижий бардавомлиги, ҳозирги даврдаги таълим-тарбиянинг асосини ташкил этиши ҳамда унинг ижтимоий фалсафада илмий-назарий аҳамияти ортиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга, умумбашарий, минтақавий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда абадиятга дахлдор ахлоқий мезонларнинг жамият интеллектуал тараққиётига ҳамоҳанглиги, инсоний фазилатлар такомилида таълим ва тарбия омилнинг ўрни, уларнинг узвий алоқадорлиги ва ўзаро таъсирини илмий тадқиқ этиш бугунги илм-фан соҳасининг тадқиқот объектига айланмоқда.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб барча жабҳаларда бўлганидек, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, тарғиб қилиш ва ривожлантириш, инсон онги ва қалбига сингдириш ҳамда уларнинг тарбиявий таъсирчанлигини кучайтириш каби масалалар давлат сиёсатида барқарор ўрин эгаллаб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг янги қиёфаси, Уйғониш даври пойдевори яратилаётган бугунги кунда маънавий омилларга, уларнинг жамият ривождаги ўрни ва аҳамияти масалаларига эҳтиёж янада кучайиб бормоқда. Зеро, “маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш”¹ Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим вазифасига айланди. Ушбу янгиланиш жараёнлари жамият ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан, узлуксиз таълим тизимида маънавий қадриятларни мазмунан бойитиш, унинг таъсирчанлиги ҳамда

¹ Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 07/21/5040/0243-сон.

самарадорлик коэффициентини янада ошириш механизмларини тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори ва унинг асосида қабул қилинган “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”, шунингдек, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5039-сон “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” ва ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, 2021 йил 19 январдаги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳамда соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзуга доир хориждаги илмий тадқиқотлар шарҳи². Шарҳ фалсафа-фаси ва маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, дунё тамаддуни ривожиди Шарҳ халқлари маданий меросининг ўрни ва аҳамияти, тараққиётда маънавий омиллар ва таълимнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Harvard University Near East Research Center (АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия), Tokyo University of Foreign Studies (Япония), Tsinghua University (Хитой), Lomonosov Moscow State University (Россия), Institute of Oriental Manuscripts (Россия), Central Asia and Turkey Research centre (Россия), International Central Asian Research Institute (Россия), Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жамият тараққиётининг ахлоқий ва интеллектуал омилларини тадқиқ қилиш, турли халқлар маънавий маданиятини қиёсий ўрганиш, инсониятнинг маданий-ахлоқий эҳтиёжларини ривожлантириш ҳамда умуминсоний қадриятларни такомиллаштириш муаммоларини фалсафий ўрганиш бўйича жаҳонда амалга оширилган тадқиқотлар орқали қатор, жумладан, қуйидаги

² Мавзу юзасидан хориж тадқиқотлари шарҳи қуйидаги информацион ресурсларга таянган ҳолда тайёрланди: www.Harvard.edu; www.cam.ac.uk; www.ox.ac.uk; www.stanford.edu; www.princeton.edu; www.yale.edu; www.Columbia.university; www.uchicago.edu; www.u-tokyo.ac.jp; www.ugla.edu; www.jhu.edu; www.nus.edu.sg; www.tsinghua.edu.cn; www.msu.ru; www.ru.wikipedia.org; www.nir.ru; www.gmir.ru; www.krfu.ru; www.central-asia.institute.

илмий натижалар олинган: ҳозирги замон жаҳон тараққиётида маданий-маърифий ва ахлоқий омилнинг ўрни, Ғарб ва Шарқ халқлари маданий тараққиётидаги ўзига хос жиҳатлар ва янги йўналишлар аниқланган (Harvard University Near East Research Center (АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия), Tokyo University of Foreign Studies (Япония), Tsinghua University (Хитой); фалсафий компаравистика, яъни Ғарб ва Шарқ фалсафий анъаналарини қиёсий ўрганиш методи илмий асосланган (Lomonosov Moscow State University (Россия); Шарқ маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг умумбашарий тамаддун тараққиётидаги ўрни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий йўналишлари белгилаб берилган (Institute of Oriental Manuscripts (Россия), Central Asia and Turkey Research centre (Россия); шарқшуносликнинг ҳозирги замон муаммоларини илмий-фалсафий ўрганишда янги йўналиш шакллантирилган (International Central Asian Research Institute (Россия); дунё халқларининг менталитетида ҳамда шахс тарбиясида маънавий кадриятларнинг ўрни ва аҳамияти асосланган (Ўзбекистон миллий университети, Самарқанд давлат университети).

Дунёда умуминсоний кадриятлар, таълим ва шахс камолоти муносабатларини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: биринчидан, таълим тизимида “маънавият”, “кадрият” деган тушунчалардан кўра кўпроқ дин ва ахлоқнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш; иккинчидан, Шарқ халқларининг тарихи, маданияти, умумий ва ўзига хос жиҳатлари, миллий тили ва маданиятларининг ўзаро таъсирига доир муаммоларни ўрганиш; учинчидан, умуминсоний кадриятлар ва таълим омилининг халқаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни; тўртинчидан, жамият аъзоларининг маънавий-интеллектуал юксалишида замонавий технократик омилларнинг аҳамияти; бешинчидан, ёшлар камолотининг маданий-ҳуқуқий омилларини ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқда маънавий тарбия ва баркамолликка эришиш ғояси азалдан файласуф ва мутафаккир донишмандлар эътиборида бўлиб келган. Хусусан, маънавий кадриятларнинг алоҳида унсурлари, маънавий-ахлоқий камолот ҳамда инсон ҳаёттида таълимнинг ўрни ҳақидаги қарашлар Платон³, Аристотель, Демокрит каби қадимги юнон файласуфлари қаторида Форобий⁴, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий, Имом Термизий сингари Шарқ мутафаккирлари асарларида ҳам илмий жозибадор тарзда ифодаланган бўлса, Шарқ Ренессансининг кейинги даври намояндalари⁵ ва маърифатпарвар жадидлар

³ Платон. Собрание соч. В 4-х томах. Т.3. - М.Мысль, 1994. - 147 с. Бошқа муаллифлар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

⁴ Форобий Абу Наसर. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 224 б. Бошқа муаллифлар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

⁵ Амир Темур. Темур тузуклари /форсчадан А.Соғуний ва Х.Кароматов таржимаси. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 144 б.; Бошқа муаллифлар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

ижодида ушбу жараён такомилга етказилди⁶. Қадриятларга садоқатли бўлиш - Шарқ алломалари томонидан ҳаётнинг мазмуни бўлган маънавий баркамолликка эришишнинг муҳим омили сифатида тарғиб этилганлиги, бу борада уларнинг ўзлари шахсий намуна бўлиш даражасига етганлиги шарқшунос олимлар асарларида донишона талқин этилади⁷.

Шу нуктаи назардан, маънавий омилнинг ҳаётдаги ўрни, маънавият ва таълимнинг алоқадорлигига доир фикр-мулоҳазалар Шарқ ва Ғарб алломалари ва файласуфларининг ижодида турлича намоён бўлган. Хусусан, маънавий қадриятларнинг манбаи, ўлчов мезонлари, меъёрий барқарорлик масалалари ва уларни талқин этиш тенденциялари Ф.Бэкон⁸, Р.Декарт, Д.Юм, И.Кант, Гегель, Г.Лотце каби олимлар томонидан инсон ахлоқий фаолияти билан боғлиқликда ўрганилган. Ушбу йўналишда ўтган аср ҳамда ХХІ асрнинг бошларига оид бўлган фундаментал тадқиқотлардан М.Вебер⁹, О.Шпенглер, М.Томсон, М.Шелер, Н.Хартман, Н.Бердяев, М.Хайдеггер, Э.Фром, К.Мангейм, З.Бжезинский, Эдвард Вади Саид, Ю.Хабермас каби олимларнинг асарларини ҳам эътироф этиш лозим.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг И.Т.Фролов¹⁰, А.В.Смирнов, М.С.Каган, В.П.Тугаринов, Л.М.Архангельский, Н.И.Конрад, А.В.Сагадеев, Н.Г.Баранец, Н.Ф.Наумова сингари олимлари тадқиқотларида Шарқ фалсафасида маънавий тарбиянинг ўрни ҳамда унинг шахс камолотидаги аҳамияти масалалари илмий жиҳатдан кенг ёритиб берилган. М.Т.Степанянц, З.Кули-заде, Л.Б.Алаев, В.К.Шохин ва А.С.Колесниковлар асарлари, шунингдек, илмий тўпламлар¹¹ мисолида Шарқ фалсафаси ва маданиятини тадқиқ этишга доир салмоқли натижалар қўлга киритилганлигини таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистонлик файласуф олимлардан Ж.Туленов¹², Э.Юсупов, Қ.Назаров¹³, Т.Абдуллаев, И.Саифназаров, О.Мусурмонова, Д.Норқулов, М.Фармонова кабиларнинг илмий изланишлари “қадриятлар” тушунчаси, унинг умуминсоний, миллий ва маънавий шаклларининг турли соҳаларда намоён бўлиши, халқимизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти масалаларига бағишланган. Ўзбек олимларининг Шарқ фалсафий мероси, унинг назарий манбалари, хусусан, тасаввуф ва унинг тариқатлари, хожагон ҳаракати, миллий ва диний қадриятлар тарихи,

⁶ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1 жилд. – Т.:Маънавият, 1998. Бошқа муаллифлар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

⁷ Бертельс Е.А. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М.: 1965. Бошқа шарқшунос олимларнинг асарлари “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

⁸ Бэкон Ф. Сочинения в 2-х томах. - Т.2. М.: Мысль, 1978. Бошқа муаллифлар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

⁹ Weber Max. Political Writings. University of Cambridge Press. - 1994. – P.1-28. Бошқа муаллифлар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

¹⁰ Фролов И.Т. Избранные труды в 3-х томах. – Т.3. О человеке и гуманизме. - М.: Наука, 2003. – 789 с. Бошқа муаллифлар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

¹¹ Универсалии Восточных культур. – М.: “Восточная литература” РАН, 2001. – 431 с.; Мир Востока. Философия: прошлое, настоящее, будущее. – М.: Восточная литература, 2005. - 375 с.

¹² Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: Ўқитувчи, 1997. Бошқа муаллифлар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

¹³ Назаров Қ. Аксиология: қадриятлар фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2001.

баркамол шахс тарбиясидаги аҳамиятига бағишланган фалсафий тадқиқотлар салмоғи тобора ортиб бораётганини Н.Комилов¹⁴, У.Уватов, А.Хусейнова, З.Минавваров, С.Каримов, Р.Шодиев, А.Эркаев, Ж.Яхшиликов, К.Каттаев каби муаллифларнинг тадқиқотлари мисолида эътироф этиш лозим.

Маънавий баркамоллик, инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишида таълимнинг ўрни, маънавиятга таҳдид, унга қарши кураш масалалари Х.Шайхова¹⁵, М.Имомназаров, А.Бегматов, С.Отамуродов, И.Эргашев, Ш.Қаҳҳорова, С.Мамашокиров, А.Мухтаров, О.Абдуллажонов, М.Хажиева каби олимлар тадқиқотларидан кенг ўрин олган.

Демак, халқимиз маънавий кадриятларининг тикланиш эволюцияси, унинг турли жиҳатлари ва амалий аҳамияти муаммолари турли соҳа олимлари ва мутахассислари томонидан ўрганилган. Аммо маънавий кадриятларнинг узлуксиз таълим тизимидаги аҳамияти бир бутун жараён сифатида комплекс тарзда тадқиқ этилмаган. Шу сабабдан, мазкур муаммога илк ёндашув тадқиқот ишининг аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот ишининг диссертация бажарилган олий таълим илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ СУ-01-сон “Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашнинг фалсафий асослари” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Янги Ўзбекистонда маънавий кадриятларнинг тикланиши, унинг узлуксиз таълим мазмунига таъсир этиш жараёнининг мазмун-моҳиятини очиб бериш ва уни такомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“кадриятлар”, “маънавий кадриятлар”, “маънавий мерос”, “маънавий тараққиётда ворислик”, “маънавий кадриятларнинг тикланиши”, “комиллик”, “баркамол авлод”, “баркамол шахс тарбияси” каби таянч тушунчаларни фалсафий таҳлил қилиш, илмий таърифлаш, уларнинг умуминсонийлик кўламидаги моҳияти ва ҳозирги даврга хос хусусиятларини очиб бериш;

узлуксиз тарбиянинг маънавий асослари сифатида Шарқ фалсафий мероси ва умуминсоний кадриятларини таълим тизимида сингдириш жараёнининг зарурати ва умумий қонуниятларини очиб бериш;

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти – маънавий кадриятларни тиклаш ва таълим тизимида сингдиришда бош омил ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида устувор аҳамиятга эга эканлигини ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан асослаш;

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти жараёнида маънавий кадриятларни тиклашнинг узлуксиз таълим тизимида таъсирчанлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш, уларнинг барқарорлиги ва натижадорлигини

¹⁴ Комилов Н. Тасаввуф. - Т.: “Мовароуннахр”-“Ўзбекистон”, 2009. Бошқа муаллифлар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

¹⁵ Шайхова Х.О. Маънавият – камолот кўзгуси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 2009. Бошқа муаллифлар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

оширишга қаратилган этно-аксиологик ва прагматик имкониятларини аниқлаш;

баркамол шахс тарбиясида маънавий қадриятлар омилидан фойдаланиш, уни оптималлаштириш ва самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;

янгилашиш даврида таълим-тарбия жараёнларида маънавий қадриятлар таъсирчанлигини ошириш динамикасининг индикаторларини аниқлаш, креатив ёндашувлар асосида унинг стратегик натижадорлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини янгиланаётган Ўзбекистонда маънавий қадриятларни тиклаш ва унинг узлуксиз таълим тизимидаги аҳамиятини ошириш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети маънавий қадриятлар тикланишининг узлуксиз таълим тизимида таъсирчанлигини ошириш механизмлари, уларнинг самарадорлигини белгиловчи шарт-шароитлар ва умумий қонуниятларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг тарихийлик ва мантикийлик, қиёсий, герменевтик, ретроспектив ва социометрик (сўров, суҳбат, анкета) таҳлил каби усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“қадрият”, “маънавий қадриятлар”, “маънавий мерос”, “маънавий тараққиётда ворислик”, “миллий қадриятлар тикланиши”, “комиллик”, “баркамол авлод”, “баркамол шахс тарбияси” каби тушунчаларнинг жамият барқарорлигига асосланган умуминсоний моҳияти ва ҳозирги даврга хос маънавий-мафкуравий жиҳатлари умумметодологик нуқтаи назардан очиб берилган;

“инсоният тарихи – маънавият тарихи” тамойилининг Шарқ ижтимоий-фалсафий меросига хос эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари замонавий таълим тизими ўзагини ташкил қилувчи парадигмал асос ва инновацион тенденциялар омили эканлиги исботланган;

миллий-маънавий қадриятларнинг Янги Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимидаги ўзгаришлар ва янгиланишларга таъсири ҳамда унинг самарадорлигини оширишга қаратилган тарихий этно-аксиологик ва тараққиётга монанд замонавий креатив-прагматик имкониятлари фалсафий асосланган;

баркамол авлод тарбиясига қаратилган узлуксиз таълим жараёнини оптималлаштиришда маънавий қадриятлар омилидан фойдаланиш технологиялари самарадорлигини ошириш “горизонтал” ва “вертикал” ворислик, маънавий, илмий ва ижодий муҳит уйғунлиги қонуниятлари орқали намоён бўлиши аниқланган;

Ўзбекистонда янги давр пойдеворини яратишда миллий-маънавий қадриятларга асосланган узлуксиз таълим тизимини шакллантириш зарурияти, замонавий йўналишлари ва истиқболлари фалсафий жиҳатдан мантикий далилланган ва уларнинг бирламчи омил эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда маънавий кадриятларнинг тикланиши ва такомилли баркамол авлод тарбиясининг муҳим омили эканлиги маънавият ва тарбия соҳаларининг диалектик алоқадорлик контекстида асосланган, кадриятлар айнан маънавий тарбия жараёнида воқеликка айланиши мумкинлиги мантиқан далилланган;

маънавий мерос - миллий кадриятлар озиқланадиган бебаҳо манба эканлиги Шарқ мутафаккирларининг фалсафий таълимоти асосида очиб берилган, узлуксиз таълим тизимига миллий-маънавий кадриятларни сингдириш тарихий зарурат эканлиги исботланган;

маънавий кадриятларни таълим мазмунига сингдириш орқали ўқувчи ва талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг усул ва воситалари, мафкуравий таъсир кўрсатиш самарадорлиги мезонлари ва баркамол авлодга хос фазилатларни шакллантириш йўллари аниқланган;

таълим тизимида маънавий кадриятлар таъсирини ошириш динамикаси ва истиқболларини белгиловчи омиллар, уларни такомиллаштириш, ушбу жараёнда турли соҳалар ўртасида ҳамкорликнинг самарали механизмларини жорий қилишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги халқаро ҳамда республика миқёсдаги илмий-амалий анжуманлар материаллари, ОАК рўйхатидаги нашрлар, хорижий илмий журналларда эълон қилинган мақолалар, чоп этилган иккита монография ва рисола, уларга берилган тақризлар, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг фалсафий-назарий хулоса ва тавсияларидан таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, замонавий таълим сифати ва мазмунига маънавий кадриятларни сингдириш билан боғлиқ жараёнларни янада теран тадқиқ қилиш, ушбу йўналишда тадқиқотлар бардавомлигини таъминлаш, уларни янги методологик ёндашувлар, маълумотлар, далиллар орқали бойитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти эса унинг натижаларидан таълимнинг турли бўғинларида ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, педагог ходимлар малакасини оширишнинг замонавий модулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини оқилона ташкил этиш, бунда давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини таъминлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маънавий кадриятларнинг узлуксиз таълим тизимидаги аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш мавзусини ўрганишга доир олинган илмий натижалар асосида: “кадрият”, “маънавий кадриятлар”, “маънавий мерос”, “маънавий тараққиётда ворислик”, “комиллик”, “баркамол авлод”, “баркамол шахс тарбияси” деган тушунчаларнинг умуминсоний моҳияти ва даврга хос жиҳатларини очиб бериш билан боғлиқ илмий-назарий хулоса ва методологик ғояларидан “Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт

стратегияси” номли дарсликнинг “�збекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси – фаолиятимиз дастуруламали” деб номланган 5-мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғи асосида берилган 654-065-сон маълумотномаси). Натижада дарсликнинг мазмунини бойитиш ва баркамол шахс тарбиясининг замонавий ёндашувларини илмий асослашга хизмат қилган;

“инсоният тарихи – маънавият тарихи” деган тамойилдан келиб чиқиб, Шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий меросига хос инсонпарварлик ғоялари замонавий таълим тизими ўзагини ташкил қилувчи муҳим тенденция эканлигини асослашга доир илмий-назарий хулоса ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан 2020 йилда миллий тарбия услублари, ахлоқий кадриятлар ва тамойилларни ўз ичига олган “Миллий тарбия” антологиясини чоп этишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат Марказининг 2021 йил 6 июндаги 02/08-770-сон далолатномаси). Натижада антологиянинг илмий-фалсафий мазмуни бойитилишига хизмат қилган;

миллий-маънавий кадриятларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётининг бош омили сифатида узлуксиз таълим тизимидаги ўзгаришлар ва янгиланишларга таъсир кўрсатувчи устувор тенденция эканлигини, унинг таълим самарадорлигини оширишдаги прагматик имкониятларини асослашга доир илмий-назарий хулоса ва тавсияларидан “Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” номли дарсликнинг “Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги стратегияси ва кадрлар тайёрлашнинг замонавий тамойиллари” номли 9-мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғи асосида берилган 654-065-сон маълумотномаси). Натижада дарсликнинг мазмун-моҳиятини бойитишга хизмат қилган;

баркамол авлод тарбиясида маънавий кадриятлар омилидан фойдаланиш технологиялари самарадорлиги ва аҳамиятини оширишнинг усул ва воситаларига оид илмий-назарий хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5958-сон Фармони асосида республикада “Маҳалла – кадриятлар маскани” ҳафталиги, маҳаллаларда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган маърифий тадбирлар ташкил қилиш ва ўтказиш, маҳаллаларда кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, “Оқсоқоллар ўғити”, “Дуоғўйлар минбари”, “Авлодлар учрашуви”, “Устоз-шогирд” каби анъаналарни тизимлаштиришда ҳамда “Энг фаол кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосар” танловининг Самарқанд вилоят босқичи сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 10 майдаги 02-02/1280-сон далолатномаси). Тадқиқот натижалари ёшлар таълим-тарбияси мазмунига маънавий кадриятларни сингдириш,

тараққийётнинг янги босқичида уларни янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистонда учинчи Ренессанс даври пойдеворини яратишга қаратилган ислохот ва янгиланишлар жараёнида узлуксиз таълим тизимида маънавий кадриятлар таъсирини оширишнинг замонавий, креатив йўналишлари ва истиқболларини белгилашга доир таклиф-тавсияларидан 2021 йилнинг 8 февраль куни “Самарқанд” телеканали орқали эфирга узатилган “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти масалаларига бағишланган 30 дақиқалик очиқ мулоқот дастур сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 14 июндаги 09-09/249-сон маълумотномаси). Натижада эфирга узатилаётган маънавий-маърифий мазмундаги кўрсатувларнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг илмий ғоялари ва уларнинг натижалари 9 та халқаро (иккитаси хориж) ҳамда 11 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та монография (биттаси ҳаммуаллифликда), дарслик ва ўқув қўлланмаси, битта рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (хусусан, 10 та республика ва 2 та хориж журналларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация “Кириш”, ўн бир параграфни ўз ичига олган тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 259 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзуга доир хориждаги илмий тадқиқотлар шарҳланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси тавсифланган, тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари, тадқиқот иши мавзусига оид режалар билан боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари белгиланган, илмий янгилиги асосланган, амалий натижаси ва ишончлилигига таяниб илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига доир маълумот келтирилган.

“Ўзбекистонда маънавий кадриятларни тиклаш жараёнини илмий-фалсафий ўрганиш масалалари” деб номланган биринчи бобида “кадрият”, “маънавий кадриятлар”, “маънавий кадриятларни тиклаш”, “маънавий

мерос”, “маънавий тараққийда ворислик”, “комиллик”, “баркамол авлод”, баркамол шахс тарбияси” каби тушунчаларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили, уларнинг фалсафий категория сифатидаги мазмуни, аҳамияти ҳамда маънавият ва тарбия соҳаларининг ўзаро диалектик алоқадорлиги, ўзига хос жиҳатлари баён қилинган.

Тадқиқот ишида ўзбек халқининг маънавий мероси масаласига ўтмишда авлодлар томонидан яратилган маънавий қадриятлар, ғоялар, билимлар, қарашлар, халқ маданияти, ижоди сингари моддий ва маънавий бойликлар мажмуини ифодалаш баробарида кишиларнинг билим ва тафаккурини, ахлоқий, маданий, диний савиясини кенгайтиришга хизмат қиладиган битмас-туганмас манба, шунингдек, кейинги авлодларга қолдириладиган бебаҳо мулк сифатида ёндашилган. Зеро, ҳар қандай маънавий мулк кейинги даврга қандай бўлса, шундайлигича кўчмайди, балки авлодлар томонидан ўзлаштирилади, қайта ишланади, бойитилади ва ҳ.к. Шу боис маънавий мероснинг ривожланиши тадрижий шаклда бўлиб, унинг асосида ворислик қонуниятлари ётади.

Ворислик ўтмиш билан ҳозир ва келажак ўртасидаги объектив зарурий алоқа жараёнини билдиради. Шу билан бирга у анъанавийлик ва новаторликнинг узвийлиги ифодаси ҳамдир. Анъанавийлик ўтмишда ҳосил қилинган маънавий қадриятларнинг замонлар оша такрорланиб келишини билдиради, новаторлик эса ҳар йили, ҳар замон такрорланиб келадиган қадриятларга янгиликлар киритиш, бойитиш орқали давр руҳига мослаштиришни ифодалайди. “Новатор ижодкор”, “новатор ўқитувчи” деганимизда эски билан янги услубларни моҳирона мослаштира оладиган, янгиликка дадил интилиб, уни жорий этадиган, инновацион ғояларга эга бўлган креатив инсонни тушуниш мумкин.

Тадқиқот ишида маънавий қадриятлар ривожига ворислик жараёнининг икки муҳим жиҳати мавжудлиги очиқ берилади: **биринчидан**, ушбу жараён “вертикал”, яъни ўтмишдан келажакка қараб бориш тарзида намоён бўлса, **иккинчидан**, “горизонтал” тарзда, яъни бир халқдан бошқа халққа, бир миллат ёки элатдан бошқа бир миллат ёки элатга қараб тарқалиб бориши асослаб берилган.

Миллий тикланиш йилларида халқимиз маънавий меросни ўрганиш, ундан ҳар томонлама фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Мустабид тузум даврида тақиқланган миллий ва диний қадриятлар, байрамлар, шу билан бирга буюк аждодларимизнинг муборак номлари ҳаётга қайтди. Халқимиз, айниқса ёш авлод улардан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлди. Узоқ давом этган мафкуравий тазйиқларга қарамай, ўзбек халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини, ўзига хос анъаналарини сақлаб қолди. Истиқлолнинг дастлабки пайтлариданоқ аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратиб келинган бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хоним таъкидлаганидек, “Ўзбекистоннинг бу бебаҳо

меросни асраш борасида бор имкониятларини ишга солаётгани нафақат шу мамлакат учун, балки бутун жаҳон учун катта аҳамиятга эга”¹⁶.

Маънавий қадриятларни тиклаш илмий мазмун ва аҳамиятга эга бўлган тушунчадир. Унга: жамиятнинг маънавий ҳаёти, унинг табиий-тарихий ривожланиши, ҳаёт шароитлари таъсирида муайян ҳудудда шаклланадиган, халқнинг ўтмиши, маданий мероси, миллий рух, миллий тил ва муомала, яшаш тарзи каби умумий жиҳатлар билан тавсифланадиган ва ўзига хос тарзда намоён бўладиган ижтимоий-тарихий мазмун ва моҳиятга эга бўлган жараёнлар, деб таъриф берилди. Ушбу тушунча, *биринчидан*, жамият аъзолари онгига турлича тарзда, ўзига хос реаллик сифатида таъсир қилади, *иккинчидан*, жамиятдошларнинг ўзаро муносабатларида, ижтимоий фаолиятида кўзга ташланиб туради, ва, *учинчидан*, бу муносабат, фаолият, мақсад, эҳтиёж ва интилишлар учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маънавий меросга муносабат масаласида икки жиҳатни ажратиш кўрсатиш мумкин: *бир томондан*, уни ўрганиш, кенг халқ оммасига етказиш борасида кўп амалий ишлар қилинганлиги, *иккинчи томондан*, айти пайтда уни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, таълим мазмунига сингдириш борасида муаммолар мавжудлиги сезилиб қолди. Кузатишларимиздан маълум бўлдики, ўқувчи ёшларнинг муайян қисми маданий меросимизнинг нодир намуналари, миллий давлатчилигимиз тарихига доир воқеалар, халқ ижоди намуналари, миллий ва диний қадриятларимиз тўғрисида етарли тасаввурга эга эмас. Тадқиқот ва кузатувларимиз умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида мутафаккир аجدодларимизнинг асарлари, қолдирган илмий ва маънавий меросидан беҳабарлик ҳолатлари мавжудлигидан далолат беради. Бундай маънавий қашшоқликка хос ҳолатлар уларга дарс берадиган айрим ўқитувчиларда ҳам кузатилгани ўта ачинарли ҳолдир.

Маданий мерос обидаларини излаш, уларни илмий асосда ўрганиш ва тарғиб қилиш борасидаги муаммоларнинг бир қанча сабаблари бор, албатта. Аввало халқимизнинг маънавий меросига тегишли бўлган кўплаб осори-атиқалар Шарқ ва Ғарб мамлакатлари кутубхоналари, илмий муассасаларида сақланиб келинмоқдаки, улар ҳақида ҳалигача етарли маълумотга эга эмасмиз. Буюк мутафаккир аждодларимизнинг бир қанча асарлари шулар жумласидандир. Юртимизга қилинган босқинчилик юришлари, мустабид тузум даврида кўплаб илмий қўлёзмалар, асарлар, тарихий ҳужжатлар, улуғ шахсларга тегишли бўлган нодир буюмлар, обидалар, қуроллар империянинг марказий шаҳарларига олиб кетилганлиги ҳам шундай сабаблардандир.

Илк ўрта асрлар ренессанси даври ҳамда ундан кейинроқ яшаб, ижод этган мутафаккир алломаларнинг мероси билан бир вақтда заминимизда яқин асрлар аввал фаолият кўрсатган Юсуф Сарёмий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Ғулом Зафарий, Элбек, Муҳаммадшариф Сўфизода, Хуршид, Сафо Муғанний, Комил Девоний, Носир Саидий, Миёнбузрук

¹⁶ Халқимизнинг маданий мероси бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлайди // “Халқ сўзи”, 2020 йил 15 декабрь. №265 (7767).

Солиҳов, Ғози Юнусов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Саид Ризо Ализода ва бошқа маърифатпарварларнинг ҳам ижоди кенг ўрганилиб, халққа етказилиши лозим. Мустақиллик боис вужудга келган ва бугун долзарблашган эҳтиёж – маънавий меросга муносабат тубдан ўзгариши, уни чуқур ва теран ўрганиш масалалари эса комплекс тарзда ҳал этилиши лозим.

Тадқиқотчи фикрича, “маънавият” ва “тарбия” тушунчалари ўзаро чамбарчас боғланган ва бир бутун жараёни ташкил этувчи фалсафий категориялар бўлиб, уларни айро ҳолда тасаввур қилиш илмий қонуниятларга зид ҳисобланади. Улар “таълим” тушунчаси орқали мавжуд бўлиши, айнан шундагина инсоннинг маънавий ва ахлоқий фазилатлари шаклланишига таъсир кўрсатиши мумкин. Маънавият ва тарбия уйғунлиги инсоний баркамолликка эришишнинг энг муҳим ва зурурий шартидир. Қадриятлар айнан маънавият ва тарбиянинг уйғунлигида, яъни маънавий тарбия жараёнида имкониятдан воқеликка айланади. Қадриятлар таназзули - миллат таназзулидир. Шу маънода **“Маънавий қадриятларнинг узлуксиз таълим тизимидаги аҳамияти” деганда** таълимнинг янги даврга хос миллий моделини яратишда халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини ифодалайдиган, аждодлардан авлодларга мерос қолаётган, тарихий жараёнда ривожланиб ва такомиллашиб бораётган урф-одатлари, анъаналари, миллий маданияти, тили, дунёқараши, руҳиёти, турмуш тарзи, менталитети билан боғлиқ хусусиятларининг рўёбга чиқиши, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган реал имкониятларнинг воқеликка айланишини тушуниш мумкин.

Боб сўнгида ўзбек халқининг маънавий мероси миллий қадриятларимиз озиқланадиган манба бўлиб, унга “бебаҳо” ва “беназир” деган нисбатларни бериш мантқан тўғридир, деган хулосага келинди.

Тадқиқот ишининг **“Шарқона маънавий қадриятлар – узлуксиз тарбиянинг интеллектуал-фалсафий омили сифатида”** деган иккинчи бобини ёритишга диссертация муаллифи Давлатимиз раҳбарининг “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак”¹⁷, деган кўрсатмасидан келиб чиқиб ёндашди. Бунда Хожагон ҳаракати, нақшбандийлик фалсафасининг маънавий қадриятлар такомиллиги таъсири масаласига асосий эътибор қаратилди. Аввало Шарқ ва Ғарб фани, фалсафаси ва маънавиятига муносабат масаласидаги нуқтаи назарлар таҳлил қилинди: Шарқ фани ва фалсафаси Европа халқлари ижтимоий-фалсафий фикри ҳамда илмий тараққиётига катта таъсир кўрсатганлиги Марказий Осиё, хитой, араб халқлари донишмандлиги тарихи ва такомиллиги орқали очиб берилди. Ўрта асрлар Европа фани ва фалсафасининг энг яхши анъаналари мусулмон олами таъсирида шакллана борганлигини жўғрофия, астрономия, математика, кимё каби махсус фанлар равнақи орқали Абулфеда (1273-1331),

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 1 октябрь. - №207 (7709)-сон.

Ал-Ғозин (965-1038), Жаъфар Содик (700-765), Ибн Халдун (1332-1406) каби файласуф алломалар фаолияти мисолида кўриш мумкин. Ислом фалсафасининг илк шакли бўлган “калом”, унинг тарафдорлари – мутакаллимлар, шунингдек, “мусулмон рационалистлари” бўлмиш муътазиллийлар, уларнинг Ал-Ашъарий (873-935), Ал-Киндий (ваф. 873), Ибн Божжа (ваф. 1138), Ибн Туфайл (1100-1185), Ибн Рушд (1126-1198) каби намояндалари Шарқ фалсафасида маънавий тарбия ғоялари ривожига салмоқли ҳисса қўшганлари эътиборга моликдир. Фалсафий ва илоҳий таълимотлар ўчоғи бўлган Марказий Осиё варварлар ҳукмронлиги туфайли 150-200 йиллар оғир шароитда яшаган бўлса-да, маънавий ўтмишимизда чуқур из қолдирган буюк мутафаккир аждодларимиз шарқона маданият, шарқона маънавият ғояларини илгари суриб, халқимиз ҳаётининг мазмун-моҳиятига асос солдилар.

Маълумки, ислом маданияти араблар, форслар, марвлар, мисрликлар, турклар ва бошқа халқлар томонидан яратилган. Араб халқлари тараққиёт йўлининг ифодаси бўлган араб фалсафаси ва фанининг ўзига хос хусусиятларини инкор этмаган ҳолда шуни айтиш керакки, ушбу фалсафий ва илмий равнақ Халифалик таркибига кирган бошқа давлатлардан ажралган ҳолда содир бўлмади. Хусусан, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий ва илмий-фалсафий фикри ушбу давр фалсафаси ва фани билан ўзаро алоқадорликда мавжуд бўлди, араб халқлари фалсафаси ва фанининг илғор томонларини қабул қилган ҳолда бу тараққиётга муайян даражада ўз таъсирини ҳам кўрсатди. Шу тариқа Шарқ халқларининг фалсафий ва илмий тараққиётида ўзига хос диалектик алоқадорлик намоён бўлди, ушбу алоқадорликда араб тили ўзига хос бирлаштирувчилик вазифасини ўтади. Шарқда диний-фалсафий қарашларнинг кучайиб боришида неоплатончилик ва аристотелчиликнинг ҳам таъсири кучли бўлганини эътироф этиш лозим.

Юртимизда ҳукм сурган Ренессанс даврлари маънавий қадриятлар намуналарининг шаклланиши учун асос яратди. Айниқса мусулмон Шарқи фалсафаси тарихида Хожагон ҳаракати катта ўрин тутди. Ушбу ҳаракатнинг барча аъзолари сўфийлар бўлиб, унинг ижтимоий мазмуни ва мафкуравий моҳияти бошдан оёқ халқпарварлик эди. Ҳаракат халқ хўжалигини тиклаш, халқнинг турмуш даражасини кўтаришга қаратилганлиги боис кенг қулоқ ёйди, Марказий Осиё, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа минтақа ва давлатларнинг маънавий ҳаётига чуқур кириб борди. Тарикатнинг асосий намояндалари Хожа Абдулоҳиқ Ғиждувоний, Хожа Али Ромитаний, Амир Кулол ва бошқалар сўфийлар таълимотининг ғоявий-фалсафий асосларини яратдилар. Улар ўзларидан аввал яшаб ўтган мутафаккирлар ва фалсафий мактабларнинг таълимотларидан фойдаландилар – қадимги юнон ва ҳинд фалсафаси, зардўштийлик ҳамда христианлик таъсирида шаклландилар. Сўфийлик Ўрта Осиёда фалсафий-ахлоқий фикрларнинг кейинги ривожига, хусусан, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби мутафаккирлар ижодига баракали таъсир кўрсатди.

Ортодоксал ислом вакиллари сўфийликка (гарчанд у Куръон замирида шаклланган ва ҳасдислардан кенг фойдаланган бўлса-да) қарши мунтазам кураш олиб бордилар. Сўфийликда руҳонийлар доираси манфаатларини ифодаловчи элементлар ҳам бор эди. Айрим мўътадил сўфийлар ислом асосларига таяниб, баъзи диний қоидаларни фалсафий асослашга ҳаракат қилдилар. Сўфийликдаги бу йўналиш расмий ислом таълимоти билан узвийлашиб кетади. Сўфийликнинг назарий асослари шаклланишида Бағдод, Басра ва Халифаликнинг бошқа шаҳарларидаги сўфийлик жамоаларининг ўрни ва роли катта бўлди.

Мовароуннаҳр сўфийлик ҳаракатининг вужудга келиши, ёйилиши ва эришган муваффақиятлари хусусида хулоса қилиш мумкинки, минтақада ўзига хос мистик-аскетик йўналиш сифатида майдонга келган сўфийлик XII асрга келиб ислом билан узил-кесил қўшилиб кетди. Сўфийлар таълимотининг ғоявий-фалсафий манбаи жуда кенг бўлиб, ўзларидан аввал яшаб ўтган мутафаккирлар ва фалсафий мактаблар таълимотидан фойдаландилар – юнон ва ҳинд фалсафаси, зардўштийлик ҳамда христианлик таъсирида шаклландилар (масалан, сўфийларнинг Тангри ва унга яқинлашиш воситалари ҳақидаги тасаввурлари мусулмон фалсафасидан олдинги таълимотларни эслатади).

Сўфийлар нафсга эрк бермаслик, уни жиловлай олиш инсоннинг маънавий етуклик гарови, деб тушундилар. Билим – ҳар қандай балонинг, нафс ва ғазабнинг кушандаси. Ҳақиқий билимга эга бўлмоғи учун инсон ўзини ўзи бошқариши, турли номаъқулчиликдан ўзини тия олиши зарур. У ёлғон гапирмаслиги, ўғирлик ва зино қилмаслиги, рўза тутиб жонини қийнаши, жисмини тоза тутиши, бойликка интилмаслиги, Тангрини улуғлаб, доимо тоат-ибодат қилиши зарур. Булар туфайли инсон танаси покланади, ҳиссиёти нозиклашиб, турли ҳайвоний одатлардан тозаланади. (Пандемия инсониятга хавф солаётган ҳозирги кунда сўфийлик таълимотидаги мазкур қоидаларнинг амалий аҳамиятини тасаввур қилиш қийин эмас).

Мовароуннаҳр бутун дунё сўфийлик тарихида бир йўла тўрт буюк тариқатнинг маскани бўлди. Бу тариқатларнинг ҳар бири шарқона маънавият шаклланишида, ривожланишида муҳим ўрин тутди. Ушбу жараённи ҳар томонлама тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё халқлари маънавий тараққиётидаги ўрнини холисона аниқлаш ва баҳолаш орқали Мовароуннаҳр халқлари тарихининг қоронғи саҳифаларини анча ёритиш мумкин.

Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний асос солган хожалар тариқатининг камолотини юксак чўққига кўтариш Хожа Баҳоуддин Нақшбандга насиб этди. Диссертацияда Шайх Баҳоуддин таълимотининг машҳурлиги, *биринчидан*, одамнинг ҳамиша қалбан авжи кибриёда – Аллоҳ билан бўлиши, жисмонан ерда, жамиятдан узилмай, тирикчилик қилмоғи зарурлигини уқтирганлигида; *иккинчидан*, илк Ренессанс даврининг буткул вайрон бўлишига сабаб бўлган мўғул уруши оқибатида ҳаётнинг барча жабҳаларини қайта тиклаш зарурати юзага келган пайтларда Баҳоуддин Нақшбанд фалсафаси минтақа халқлари учун умуммиллий ғоя бўлиб хизмат

қилганлигида; *учинчидан*, сўфийликнинг ўзига хос тариқати сифатида нақшбандийлик Марказий Осиё, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар ва халқларнинг маънавий ҳаётига чуқур кириб борганлигида эканлиги илмий асосланади. Ушбу тариқат ўзидан аввалги ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий ёки бадий ғояларга эмас, балки Ислом ва унинг постулатлари - Қуръони карим ва сунналарга таянди, унинг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича, шариат қонунлари ва пайғамбар Муҳаммад с.а.в.нинг панд-насихатларига оғушмай амал қилишни назарда тутди.

Узлуксиз таълим-тарбиянинг фалсафий негизини ташкил этиши лозим бўлган тамойиллар Конфуций, Ибн Рушд, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Мир Кулол сингари Шарқ мутафаккирлари, шунингдек, мутакаллимлар, муътазиллийлар, перипатетикларнинг ғоя ва қарашлари, ҳадис намуналари орқали очиб берилди.

Боб сўнггида фалсафий тафаккур - маънавий камолотнинг юксак чўққиси эканлиги, диний эътиқод ва фалсафий таълимотлар тўлқини айнан Шарқдан Ғарбга қараб борганлиги, Шарқ фалсафасида маънавий кадриятлар, тарбиявий мазмундаги ғоялар устувор бўлиб, улар ўз моҳияти билан халқпарварлик, ҳаётни, хўжаликни тиклаш, халқнинг турмуш даражасини кўтаришга қаратилганлиги боис кенг қулоч ёйганлиги ҳақида хулоса қилинади. Уларнинг таълимоти исломий кадриятларнинг инсон маънавий камолотидаги тарбиявий аҳамиятини назарий жиҳатдан англаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш жараёнларида ўзига хос методологик манба бўлиб хизмат қилади.

“Маънавий кадриятлар – узлуксиз таълим парадигмасининг асосий негизи” деб номланган учинчи бобда миллий тикланиш босқичида жамиятимизда маънавий кадриятларни тиклаш ва таълим тизимини янгилашнинг илк асослари яратилганлиги ҳамда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуришнинг ҳозирги босқичида маънавий ҳаётни янгилаш жараёнларидаги эврилишлар, маънавий кадриятлар - ёт мафкураларнинг салбий таъсирига барҳам бериш омили эканлиги фалсафий таҳлил қилинади.

Мустақиллик йилларида маънавият масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, халқимизни маънавий юксалтириш, билимли жамият барпо этиш борасида катта ютуқлар қўлга киритилди, миллий тикланиш, умуммиллий бирликка эришиш йўлида улкан қадамлар қўйилди. Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси Ислом Каримов маънавиятнинг назарий масалаларини чуқур тадқиқ этди, маънавият фалсафасини ишлаб чиқди. Ушбу фалсафий таълимот Ўзбекистон тараққиётининг маънавий негизини барпо этиш, ёш авлодни маънавий кадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот ишида баркамол шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш - жамият маънавий негизини мустаҳкамлашнинг муҳим асоси сифатида қаралади. Шу боисдан баркамол шахс, яъни малакали

мутахассисни камол топтириш – бугунги куннинг зарурати, нафақат фалсафий-педагогик, балки ижтимоий заруратидир. Баркамол шахс тарбияси – узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг муҳим вазифаси бўлиб қолмай, балки умуман, таълим ислохотининг бош мақсади, дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу масала Ўзбекистондаги янгиланиш жараёнларининг устувор йўналишини белгилайди.

“Баркамол шахс тарбияси” тушунчасига берилган таърифдан (биринчи боб) келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, ушбу мақсадли фаолиятни амалга оширишга *тизимли ёндашувни жорий қилиш* зарур. Ҳозирги пайтда шахс тарбиясида, шубҳасиз, мафкуранинг аҳамияти жуда катта. Ҳар бир шахсни миллий ғоя руҳида тарбиялаш зиёлилар, олимлар ва педагоглар - барчанинг мукаддас бурчидир. “Тарбия” сўзининг туб маъноси инсоннинг ўзи ва ўз хулқи ҳақидаги тасаввурининг тўғри ва холис бўлишини таъминловчи мураккаб жараён эканлигини билдиради. Бошқача айтганда, тарбияланган одам тарбиясиз одамдан шуниси билан фарқ қиладики, *биринчидан*, у ўзининг ким эканини, кундалик хатти-ҳаракатлари, бажараётган амаллари, ўй-фикр ва тасаввурлари ўзи ва ўзгалар учун қанчалик манфаат келтира олишини, фойдали эканини англай олади, *иккинчидан*, ўзини нохуш ҳаракатлардан тияди ва назорат қила билади. Демак, ҳар қандай тарбиянинг асосий мезони тарбияланувчида ўзи ва ўз фазилатлари ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантиришдан, ўзлигини, ўз-ўзини англашдан иборат деб айтиш мумкин. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва кадриятларига асосланган”¹⁸.

Диссертант томонидан мафкуравий тарбия - шахс тарбиясининг муҳим йўналиши сифатида таҳлил қилинади. *Мафкуравий тарбия* - инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт тўғрисидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёни демакдир. Аслида, *ҳар қандай тарбия жараёни ўз мақсади, мазмун ва моҳиятига кўра гоявий тарбиядир*. Чунки таълим тизимида ҳам, академик таълимда ҳам - барчасида бериладиган таълим ва тарбия жараёнлари ўқувчи, талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онги ва қалбини илмий билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган инсоний фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган бўлади. Бу эса, том маънода мафкуравий тарбиянинг асоси, пойдеворидир. Шу боисдан ҳар қандай мафкуравий тарбиянинг мақсади - жамиятдаги ҳар бир фуқарони, унинг тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳни тарбиявий юксалтиришдир.

Тадқиқот иши доирасида 2021 йилнинг апрел ойи давомида кенг миқёсда ўтказилган online сўровномасида иштирок этган 758 нафар

¹⁸ Президент Ш.Мирзиёев раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши шарҳи // “Халқ сўзи”, 2021 йил 20 январь.

респондентнинг 13,3 фоизини 14 дан 20 ёшгача, 19,7 фоизини 21 дан 30 ёшгача, 24,8 фоизини 31 дан 40 ёшгача, 24,5 фоизини 41 дан 50 ёшгача, 17,7 фоизини 51 дан 60 ёшгача бўлганлар ташкил этди. Уларнинг 35,4 фоизи шаҳарда, қолганлари эса туман марказлари ва қишлоқларда истиқомат қилувчи турли миллат вакилларидан иборат бўлиб, аксарият қисми, яъни 53,4 фоизи олий, 21,7 фоизи ўрта махсус, 15,6 фоизи ўрта маълумотли шахсларни ташкил этди. Иштирокчиларга “Шахс камолотида ғоявий тарбиянинг ўрни ва аҳамияти қандай?” деган савол берилганда уларнинг 80,3 фоизи “жуда муҳим”, 13 фоизи “унчалик муҳим эмас”, қолганлари эса “ғоявий тарбия зарур эмас” ва “билмадим” деган жавобларни берганлиги шахс тарбиясида ғоявий тарбиянинг ўрни қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Мафкуравий тарбиявийлик, энг аввало, юксак иймон-эътиқод, Ватан ва халқ олдидаги масъулият, ватанпарварлик, фидойилик каби фазилатлар орқали намоён бўлади. Дунёқараши кенг, янгича фиклайдиган инсонни камол топтириш, албатта, маънавий-маърифий тарғибот ишларини тамомила янгича босқичга кўтаришни талаб қилади. Афсуски, бугунги кунда тарғибот орқали фуқароларга, айниқса ёшларга мафкуравий таъсир кўрсатиш сифатини қониқарли дейиш қийин. “Ўзбекистон” телеканали орқали 2020 йилнинг 29 январь куни намоёниш этилган “Муносабат” кўрсатувининг навбатдаги сониди “Маънавий-маърифий тарғибот ишлари талабга жавоб берадими?” деган саволга телетомошабинларнинг кўпчилик қисми “йўқ” деб жавоб берганлиги бунинг исботидир. Юқорида қайд қилинган сўровнома жараёнида респондентларга “Ёшларга мафкуравий (ғоявий) таъсир кўрсатиш сифати сизни қониқтирадими?” деб мурожаат қилинганда уларнинг 53,6 фоизи “йўқ”, 41,3 фоизи “қисман”, қолган 5,1 фоизи “ҳа” деган жавоб берганлиги ҳам шу хулосани тасдиқлайди.

Бизнингча, жамият аъзоларига *мафкуравий таъсир кўрсатиш самарадорлигини ўлчаш мезонлари* қуйидагилардан иборат бўлиши лозим: аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан билимдонлиги, ижтимоий фаоллиги; жамият аъзоларининг ахлоқан соғломлашганлиги, фуқароларнинг ўзларини руҳан тетик ва бардам тутишлари; ҳар бир инсон ўзлигини англаш орқали мустақил фикр юрита олишга қодирлиги; ватанпарварликнинг барча кўринишлари кундалик маиший турмушда намоён бўлаётганлиги; аҳолида ўз билим савиясини оширишга интилишнинг намоён бўлиши, газета-журнал, вақтли матбуот, нашр ишларига талабнинг ортиб бориши; бутун жамият миқёсида маънавий ва ижтимоий муҳитнинг соғлом ва барқарорлиги; ёт ғояларга мурасасиз бўлиш, мустақиллик ғоясини ҳар қандай шароитда ҳимоя қила олишга қодирлиги.

Ушбу жараёни самарали амалга ошириш ва ундан кутилган натижани таъминлаш учун, *биринчидан*, “миллий кадриятларни англаш” деган тушунчани ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш; *иккинчидан*, маънавий кадриятлар одамларнинг ҳатти-ҳаракати, юриш-туриши, хулқ-атвори, ўзгалар билан муносабатларини тартибга солиб турувчи, яъни регулятив

функциясидан оқилона ва ўринли фойдаланиш кўникмаларни ривожлантириш; **учинчидан**, бошқа халқларда мавжуд бўлмаган, фақат ўзбек халқининг менталитетига хос бўлган ота-онага эҳтиром, катталарга ҳурмат, андиша, ҳаё ва ибo, самимийлик, меҳрибонлик, саховат, ҳиммат, ҳушмуомалалик, дуоғўйлик сингари қадриятларимиз, анъана ва маросимларимизни турмушга чуқур сингдириш борасида давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик механизмларини қайта кўриб чиқиш, мазкур жараёни тизимга айлантиришга қаратилган фаолиятни йўлга қўйиш; **тўртинчидан**, миллий-маънавий қадриятларимизнинг ворисийлик хусусиятларини давр эврилишларига ҳамоҳанг тарзда кучайтириб бориш; **бешинчидан**, маҳаллаларда, қишлоқ ва овулларда ҳаётнинг паст-баландини кўрган оқсоқол нурунийлар, ҳожи ота ва ҳожи оналар, мўътабар кишиларнинг ҳаётий тажрибасидан фойдаланиш, шунингдек, “хонадонбай” ва “фуқаробай” ишлаш амалиётини мустаҳкам ва барқарор тизимга айлантириш зарур.

Бугун ёшларни мафкуравий таҳдидлар хавфидан сақлаш зарурлиги давлатимиз сиёсатида устувор ўрин тутди. Айни пайтда умумтаълим мактаби ўқувчиларида маънавий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг энг самарали воситалари “Тарбия”, “Конституция алифбоси”, “Конституция оламига саёҳат”, “Она тили”, “Адабиёт”, “Тарих” дарслари бўлиб, уларни ўқитишнинг энг замонавий шакл ва услубларини жорий этиш, ўқитувчи ва педагог ходимларнинг ҳам мафкуравий тайёргарлигини кучайтириш тақозо этилади.

Ҳозирги кунда мактаб таълимини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Таълим сифати ва мазмунини кўтариш мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги янги имкониятлар ва инновациялар учун пойдевор ҳисобланади. Эндиликда ўқитувчи таълим беришда асосий эътиборни ўқувчида фан бўйича билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришга қаратиши, унинг тафаккурини кучайтиришга ёрдам берадиган методикани қўллаш олиши, ўқувчини креатив фикрлашга ундаши, шахсини ривожлантиришда бор маҳоратини ишга солиши зарур.

Боб сўнгида юксалиш даврида узлуксиз таълим ислоҳотида асосий эътибор инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, шу орқали ҳар томонлама баркамол шахс - фуқарони шакллантиришга қаратилган бўлиб, маънавий қадриятларни такомиллаштириш ва уларни таълим мазмунига чуқур сингдириш ушбу жараёнинг асосий омили эканлиги ҳақида ҳулоса баён қилинган. Таълим тизими ва ўқитувчининг жамиятдаги мавқеи ҳамда савиясини кўтаришга қаратилган “замонавий мактабларда замонавий ўқитувчи дарс бериши керак”, “замонавий мактабни замонавий раҳбар бошқариши керак” деган тамойилларни жорий қилиш таълим ислоҳоти самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

“Янги Ўзбекистонда маънавий қадриятларнинг таълим тизимидаги таъсирчанлигини ошириш механизмлари” деб номланган 4-бобда

узлуксиз таълим тизимида маънавий кадриятлар таъсирчанлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, уларни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар таҳлил қилинган, баркамол шахс тарбиясида маънавий кадриятлар омилидан фойдаланишнинг усул ва воситалари ишлаб чиқилган ва таълим тизимида маънавий кадриятлар таъсирини ошириш динамикаси ва истиқболлари баён қилинган. Дастлаб Давлатимиз раҳбарининг Фармон ва Қарорларида педагог ходимларнинг кадр-қиммати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, билим даражаси ва педагогик маҳоратини ошириш, таълимда жамоатчилик назоратини қатъий йўлга қўйиш каби долзарб масалалар ечимини топаётганига эътибор қаратилади, уларни амалга ошириш мамлакатимиз таълим тизимини ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиши вазифаси билан чамбарчас боғлиқ эканлиги таҳлил қилинади. Айти пайтда таълим тизимида бир сифатдан бошқа сифатга ўтиш - *сакраш* амалга ошириляётгани эътироф этилади.

Айти пайтда мамлакатимизда жами 10130 та умумтаълим мактабида 504 минг ўқитувчи 6 ярим миллионга яқин ўқувчи ёшларга таълим бермоқда. Улар орасида олий маълумотли ўқитувчилар сони 400 мингдан ошгани, олий тоифалилар салмоғи ортиб бораётгани қайд қилинади. Мазкур бобда бугун мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон андозаларига етказиш, дунёнинг кучли “ўттизталигига” кириш учун ўқитувчининг билим ва педагогик маҳорати, маънавий қиёфаси, савияси, инновацион ўзгаришларга мойиллиги етарлими, деган масала таҳлил қилинади.

Шу ўринда Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий Марказида малака ошираётган умумтаълим мактаби ўқитувчилари – курс тингловчиларининг билим, кўникма ва малакаси синовдан ўтказилганда қониқарсиз ҳолат кузатилганлиги қайд қилинади. Юқори синфларнинг умумтаълим фанлари ўқув материаллари асосида ўтказилган синовда қатнашган олий маълумотли тингловчи-ўқитувчиларнинг 40 фоизга яқини қониқарсиз баҳолангани ҳақиқий аҳвол аянчли эканлигини кўрсатди. Тингловчилардан ўзбек тилидан олинган диктант натижалари ҳам паст даражани қайд қилди.

Маънавий кадриятларнинг таълим тизимидаги таъсирчанлигини ошириш энг аввало ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ эканлиги ҳаммага аён. Кузатув ва таҳлилларимиз асосида бугун ўқитувчиларимиз фаолиятидаги қатор камчиликлар бунга тўсиқ бўляётганини қайд этиш жоиз. **Биринчи** ва энг катта камчилик – бу касбий компетентликнинг тақчиллиги, яъни касбий тайёргарлиги, тажрибаси, ўзига ишончи, мутахассислигини чуқур билиши каби муҳим жиҳатларнинг етишмаслиги; **иккинчиси** - ўз устида мустақил ишлашга ўрганмаганлиги, илгор тажрибалар, тизимдаги янгиликларни ўрганиб, ўз фаолиятида қўлламаслиги; **учинчиси** - ўқитувчиларнинг мустақил ишлашини мувофиқлаштириш тизимлаштирилмагани; **тўртинчиси** - ғоявий ва мафкуравий савиянинг етишмаслиги; **бешинчиси** - ахборот технологияларидан фойдаланишни

етарли даражада билмаслиги кабилар кўплаб ўқитувчиларнинг давр талабидан ортда қолишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йилнинг 30-август ва 9-сентябрида қабул қилинган иккита қарор юртимизда таълимни юксалтиришда тарихий аҳамиятга эга бўлди - учинчи Ренессанс даврининг пойдеворига асос солинди. Шу тариқа таълим тизимида энг янги, инновацион технологияларни ўзлаштириш ва уларни таълим жараёнига кенг жорий қилиш асосида ўқувчиларнинг билим даражаларини босқичма-босқич фаоллаштириш, мустақил изланиш мотивациясини шакллантириш орқали соҳани янги босқичга олиб чиқиш сари жадал ҳаракат бошланди.

Президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида “Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш..., биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш”¹⁹, унга илова қилинган Концепцияда “Ёшларнинг қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятидан хабардорлиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, уларда соғлом турмуш тарзига риоя этиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, тинчликпарварлик ва миллатлараро тотувлик, виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш каби умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий-ахлоқий қадриятларни камол топтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллик, мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш”²⁰ муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилгани узлуксиз таълимни умуминсоний ва миллий қадриятлар билан уйғун ҳолда, диалектик алоқадорликда ривожлантиришни таъминлайди.

Узлуксиз таълим тизимида маънавий қадриятлар таъсирчанлигини таъминлаш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган 3 та ҳужжат айниқса муҳим ва тарихий аҳамиятга эга бўлди. **Биринчиси**, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ўқитувчининг ижтимоий мавқеи ва обрў-эътиборидан тортиб унинг педагогик маҳоратини ошириш параметрлари, мактаб битирувчиларининг ижтимоий бандлигини таъминлаш билан боғлиқ ўткир муаммоларнинг ечимига доир вазифалар белгиланди. **Иккинчиси**, мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорда таълим сифатини кўтаришга қаратилган миллий ўқув дастурларини яратиш ва жорий этиш, ўқитувчилик касбини улуғлаш билан боғлиқ вазифалар белгиланди. **Учинчиси** - 2021 йил 25 январдаги “Халқ

¹⁹ “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. - Т.: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. - 2019 йил 9 октябрь, 06/19/5847/3887-сон; 2020 йил 30 октябрь, 06/20/5987/0521-сон.

²⁰ Ўша манба.

таълими соҳасидаги илмий тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ушбу тизимда энг замонавий, илғор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Ёшларнинг илм-фанга мойиллигини қўллаб-қувватлаш маънавий кадриятларнинг барқарорлиги ва таъсирчанлигини таъминлабгина қолмай, мамлакатнинг келгуси тараққиётига тағзамин яратади, шу боисдан юртимизда “илм-фанга интилиш ва унинг жозибадорлик муҳитини шакллантириш”²¹ таълим соҳасининг устувор вазифаларидан бири сифатида қўйилганлиги бежиз эмас. Шахс тарбиясида маънавий кадриятлар омилидан фойдаланишнинг усул ва воситаларини такомиллаштириб бориш узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишда ғоят муҳидир. Ана шундай усуллардан бири – “Устоз-шогирд” анъанаси бўлиб, уни таълим-тарбия тизимида мустаҳкам қарор топтириш зарур. Бугун таълим тизимида “Устоз-шогирд” анъанасини қарор топтиришда бетакрор маънавий меросимиз, тарихий анъаналаримиз ва миллий кадриятларимизни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ва ўргатиш тамойилидан келиб чиқилса самара юқори бўлади.

Диссертацияда аҳоли ўртасида мутолаа маданиятини ривожлантириш тарбияда маънавий кадриятлар омилидан фойдаланишнинг самарали усулларидан бири эканлиги асосланган. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ўқув курси тингловчилари ўртасида ўтказилган сўровномага кўра “Маҳаллани том маънода “Маънавият маскани”га айлантириш учун нима муҳим деб ўйлайсиз?” деган саволга муносабат билдирган 106 нафар МФЙ раисининг 56 нафари маҳаллада кутубхона ташкил этиш ва унга аҳолини аъзо қилиш, 26 нафари маҳалла билан таълим муассасасининг ҳамкорлигини кучайтириш, 18 нафари эса маҳалладаги кексалар тажрибасидан фойдаланишни зарур деб ҳисоблайди. “Маҳаллангизнинг таълим муассасаси билан ҳамкорлиги сизни қониқтирадими?” деган саволга 31 иштирокчи “қониқтиради”, 49 нафари “талаб даражасида эмас”, 17 нафари “қониқтирмайди” деб жавоб берди, 9 нафар иштирокчи хулоса билдирмади. Шунингдек, “Маҳаллангизда “ота-оналар университети” фаолият олиб борадими?” деган саволга эса 24 иштирокчи “доимий фаолият олиб боради”, 54 иштирокчи “доимий (режа асосида) эмас”, 28 иштирокчи эса “олиб бормади” деган жавоб қайтарди.

Самарқанд вилоятида бугунги кунда 1117 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатади. Улардаги 718 266 та хонадонда 978 161 та оила истиқомат қилади. Кўриниб турибдики, маҳаллани маънавий кадриятларнинг чинакам марказига айлантириш учун зарур бўлган энг асосий омиллар – баъзи маҳалла раисларининг фаоллиги сезилмаслиги, таълим муассасаси билан ҳамкорлик, маҳаллада ота-оналар университети фаолиятининг

²¹ Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни – Т.: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2019 йил 30 октябрь. 03/19/576/3970-сон.

қониқарли эмаслиги бугун ушбу йўналишдаги амалий ишларни сезиларли даражада жонлантиришни тақозо этмоқда.

Узлуксиз таълим тизимида маънавий қадриятлар омилидан фойдаланишда оилада, меҳнат жамоаларида, жамиятда *ижодий муҳитни қарор топтириш* ғоят муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ижодий муҳит маънавий муҳитнинг узвий қисмидир: ижодий муҳит маънавий муҳитни бойитади, маънавий муҳит эса ижодий муҳитнинг шаклланиши ва ривожини учун шарт-шароит яратади. Ушбу диалектик алоқадорликни таъминлаш – таълим ислохотининг муҳим омилдир.

Маънавий қадриятлар омилидан фойдаланишнинг энг замонавий усулларида бири сифатида *мактабларда мониторинг ва узлуксиз методик хизматни* тубдан жонлантириш зарур. Ўз устида доимий равишда ишлаб келадиган ўқитувчиларни рағбатлантириш, илғор ўқитувчилар тажрибасини мактабда оммалаштириш, уларга нисбатан хурмат муҳитини яратиш механизмлари жорий этилиши лозим. Шулардан келиб чиқиб, диссертация муаллифи бугун педагогик маҳоратни ошириш 4 та муҳим омилга боғлиқ эканлигини асослайди: 1) ҳар бир ўқитувчи ўз фанини пухта ва чуқур билиши лозим; 2) ўқитувчи билимини ўқувчи (талаба)га етказиб бериш маҳоратига эга бўлиши керак; 3) ўқитувчининг психологик (руҳий) ҳамда мафкуравий тайёргарлиги; 4) унинг ўз устида тинимсиз ишлаши.

Тадқиқот жараёнида узлуксиз таълим тизимида сифат ва мазмуннинг пасайиб кетишига сабаб бўлган мажбурий меҳнат, кўзбўямачилик, шаклбозлик, педагог кадрлар танқислиги, кўплаб ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати пастлиги, ахборот-коммуникация ҳамда замонавий инновацион технологияларни ўзлаштириш ва таълимга жорий этишдаги укувсизлик каби омилларни узил-кесил бартараф қилишга доир мулоҳазалар баён қилинади. Айниқса соҳадаги таъмагирлик, коррупция элементларига мурасасизлик муҳитини қарор топтириш, лоқайдлик ва бепарволикнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш муҳим вазифа ҳисобланади.

Таълим жараёнига маънавий қадриятларни чуқур сингдириш, унинг таъсирчанлигини ошириш ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошириб бориши, таълим ислохотининг фаол иштирокчиси бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугунги муаллим маънавий жиҳатдан бой ва бетакрор ўтмишимизнинг тарихий илдизларини теран англаши ва уни ўқувчи ёшлар онгига сингдира олиши зарур. Тадқиқотимиз доирасида ўтказилган online сўровномада иштирок этган турли ёш ва маълумотга эга бўлган 758 нафар респондентга “Маънавий меросимиз намуналаридан кенг фойдаланиш таълим жараёнига қандай таъсир кўрсатади?” деб мурожаат қилинганда респондентларнинг аксарият кўпчилиги – 94,3 фоизи “таълим сифати ва мазмунини оширади” деган жавобни берди. “Ҳар бир ўқитувчи буюк аждодларимизнинг маънавий меросини билиши ва ўқувчиларга сингдириб бориши керак”, деган фикрга муносабатингиз?” деб сўралганда уларнинг 90,3 фоизи (!) “тўғри, маъқуллайман” деган жавобни бергани, айниқса, “миллий-маънавий қадриятларимизни мактаб таълими мазмунига

сингдиришда қайси омил муҳим?” деган саволга респондентларнинг 91,4 фоизи “ўқитувчининг педагогик маҳорати” деб жавоб бергани асосида шундай хулоса қилиш мумкин: бугунги ўқитувчи маънавий кадриятларимизни чуқур билиши ва уларни таълим мазмунига сингдириб юбора оладиган маҳоратга эга бўлиши керак.

Ушбу бобда маънавий кадриятлар таъсирини ошириш динамикасида *жамоатчилик назоратини қатъий йўлга қўйишининг* муҳимлиги, миллий-маънавий кадриятлар халқимизнинг янги тафаккури ва турмуш тарзининг асосига, ёшларимизнинг ғайрат-шижоатини оширадиган қудратли кучга айланмоғи лозим, деган хулоса асосланади.

ХУЛОСА

Тадқиқот иши натижасида қўйидаги назарий хулосалар олинди:

1. Янги Ўзбекистонда маънавий кадриятларнинг тикланиши жараёни узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришнинг парадигмал ва концептуал омилларидан бири эканлиги исботланди.

2. “Маънавий кадриятларни тиклаш” тушунчасига қўйидагича таъриф берилди: “Маънавий кадриятларни тиклаш” - жамиятнинг маънавий ҳаёти, унинг табиий-тарихий ривожланиши, ҳаёт шароитлари таъсирида муайян ҳудудда шаклландиган, халқнинг ўтмиши, маданий мероси, миллий рух, миллий тил ва муомала, яшаш тарзи каби умумий жиҳатлар билан тавсифландиган ва ўзига хос тарзда намоён бўладиган ижтимоий-тарихий мазмун ва моҳиятга эга бўлган жараёндир.

3. Маънавий кадриятларни тиклаш, биринчидан, жамиятнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайди; иккинчидан, унинг аъзолари – фуқаролари онгида ўзига хос реаллик тарзида инъикос этади; учинчидан, уларнинг ўзаро муносабатлари, ижтимоий фаолиятида яққол намоён бўлади; тўртинчидан, эзгу мақсад йўлидаги орзу интилишларида маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

4. Маънавий кадриятларни тиклаш ва уларни такомиллаштириш жараёни жамият аъзолари учун нафақат эҳтиёж, балки ижтимоий зарурият бўлиб, ўзига хос қонуният – “вертикал” ҳамда “горизонтал” ворислик тарзида намоён бўлади. Маънавий кадриятлар жамият ҳаётининг барча соҳалари ривожига ҳамоҳанг тарзда ўзгариб, янгилашиб, турли-туман қиёфа ва жиҳатлар кашф этиб бориши, доимий бойиб ва такомиллашиб бориши билан изоҳланади. Ўзбек халқининг маънавий мероси миллий кадриятларимиз озиқландиган бебаҳо ва бетакрор манбадир.

5. Шахс тарбиясида маънавий кадриятлар омилидан фойдаланишда янги мазмундаги “Устоз-шогирд” анъанасини қарор топтириш, аҳолининг мутолаа маданиятини ривожлантириш, оила ва меҳнат жамоаларида ижодий муҳитни қарор топтириш, таълимда узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш, ўқитувчи ва мураббийларга нисбатан хурмат муҳитини яратиш каби усул ва воситалар узлуксиз таълим тизими ислоҳотида самарадорликни таъминлаш омилидир.

6. Маънавий кадриятлар жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсатиб, уни кучайтирадиган кудратли тўлқиндир. Кадриятлар янги маънавий тизим сифатида шаклланиб ва муқаррар тарзда такомиллашиб бораверади. Ушбу жараён эскининг инкор ва янгининг барпо этилиши, жамият маънавий ҳаётининг барча соҳалари, хусусан, узлуксиз таълим тизимида бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтиш - ўзига хос сакраш, мазмуннинг тубдан ўзгариши тарзида намоён бўлади ва янгилашиш жараёнларига катта таъсир кўрсатади.

7. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки босқичида миллий кадриятларни асраб-авайлаш, уларни халқимиз, аввало ёш авлод онги ва қалбига сингдириш, уларда ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғуларини кучайтириш тикланиш жараёнларининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этган бўлса, ҳозирги босқичда ушбу жараённинг узлуксиз таълим тизимидаги таъсирчанлигини ошириш, шу аснода халқимизнинг маънавий юксалишида узвий барқарорлик ва динамикани таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади.

8. Маънавий кадриятларга асосланган таълим тизимининг миллий контентини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш – узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, пировардида жамият маънавий қиёфасини янгилашнинг муҳим ва зарур шартидир. Бунда давр билан ҳамоҳанглик, замон талабларини эътиборга олиш, белгиланган юксак марраларга эришиш масалалари ҳам янгича қараш ва ёндашувларни тақозо қилмоқда.

Хулосалар асосида маънавий кадриятларнинг узлуксиз таълимдаги аҳамиятини оширишга қаратилган механизмларни янада такомиллаштириш йўналишида қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари манфаатдор ташкилотлар, нодавлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида **“Янги Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимини маънавий кадриятлар асосида оптималлаштириш”** концепциясини ишлаб чиқиш, унда миллий кадриятлар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг янгиланаётган жамият талаб ва эҳтиёжларига монанд йўналишларини белгилаш;

иккинчидан, республика маънавият ва маърифат маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари шафелигида ҳамкор ташкилотлар, ижодий жамоалар ва таълим муассасалари кўмагида аҳоли қатламлари ўртасида таълим-тарбиянинг узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига таянган ҳолда “Маънавият ва таълим – тараққиёт омили” деган умуммиллий шиор остида комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган тарғибот ишларини рисоалар, мақолалар, медиамаҳсулотлар ва бошқа тарғибот материалларидан унумли фойдаланган ҳолда кенг кўламда ташкил этиш;

учинчидан, “Миллий кадриятларни англаш” деган тушунчани аҳолининг барча қатламлари ўртасида кенг тарғиб қилиш асносида кадриятларни кадрлаш, уларни сақлаш, такомиллаштириб боришни ўргатишга қаратилган барқарор тизим яратиш;

тўртинчидан, халқимизнинг менталитетига хос бўлган ота-онага эҳтиром, катталарга ҳурмат, андиша, ҳаё ва ибодат, самимийлик, меҳрибонлик, саховат, ҳиммат, хушмуомалалик, дуоғўйлик сингари қадриятлар, анъана ва маросимларимизни янада ривожлантириш мақсадида таълим муассасаларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик механизмларини қайта кўриб чиқиш ва жорий қилиш, мазкур жараённи тизимга айлантириш;

бешинчидан, миллий-маънавий қадриятларимизнинг ворисийлик тамойилига таянган ҳолда юксалиш жараёнларига монанд равишда коррупцияга қарши кураш, порахўрлик, таъмагирлик, манманлик, шуҳратпарастлик, бадқирдорлик, ўзибўларчилик, хиёнат, фирибгарлик каби маънавий тубанлик кўринишларига қарши муросасиз бўлиш, камбағалликни қисқартириш, ночор оилаларга кўмак бериш сингари умуммиллий ҳаракатни кенг кўламда авж олдириш фақат маънавиятчилар эмас, балки жамиятимиз олдида турган ғоят муҳим вазифага айланиши зарур;

олтинчидан, маҳаллаларда, қишлоқ ва овулларда кўпни кўрган кексалар, нуроний оқсоқоллар, ҳожи ота ва оналар, обрў-эътиборли кишиларнинг бой ҳаётий тажрибаси ва салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласига янгича ёндашувни қарор топтириш, уларни ночор, йўлдан адашган, билиб-билмай ҳуқуқбузарлик содир этган, табиатан жанжалга мойил фуқароларга бириктириб кўйиш орқали уларга таъсир ўтказиш, онги ва руҳиятини ўзгартириш, турмуш тарзига қадриятларни сингдириш, “фуқаробай ишлаш” амалиётини қатъий йўлга қўйиш;

еттинчидан, “Миллий қадриятларнинг узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти” мавзуида махсус ишлаб чиқилган режа ва дастурлар асосида доимий ишловчи Республика илмий-амалий семинари машғулотларини йўлга қўйиш;

саккизинчидан, умумтаълим муассасаларида “Тарбия” фани ўқув машғулотларини ташкил этишда асосий эътиборни ўқувчи ёшларни миллий-маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашнинг индикаторлари ва компонентларини шакллантиришга йўналтириш;

тўққизинчидан, таълим ходимлари малакасини оширишнинг мавжуд тизимини ислоҳ қилиш доирасида барча фанлардан педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Ўқитувчининг мафкуравий тайёргарлигини ошириш” ҳамда “Маънавий қадриятлар – таълим равнақи ва педагогик маҳоратнинг бош омили” номли махсус ўқув курслари модулини маъруза ва амалий машғулот шаклида камида 12 соат ҳажмида жорий қилиш;

ўнинчидан, юксак маънавий қадриятлар, инсоний фазилатлар тимсоли бўлган, ўзида ватанпарварлик туйғулари ҳамда таълим-тарбиянинг замонавий, инновацион ютуқларини мужассамлаштирган, креатив фикрлайдиган “Янги Ўзбекистон ўқитувчиси” имиджини шакллантириш;

ўн биринчидан, таълимда жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, ўқув муассасаларининг фуқаролар йиғинлари билан

ҳамкорликда миллий кадриятларни аҳоли турмуш мазмунига чуқур сингдиришга қаратилган фаолияти таъсирчанлигини ошириш мақсадида:

- беш ташаббус доирасида ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида кутубхона ташкил этиш, фуқароларнинг уларга аъзо бўлишлари ҳамда кутубхонани чинакам маърифат масканига айланишига эришиш;

- маҳалла, таълим муассасаси ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида “Бахтли оила”, “Мен бахтли инсонлар мамлакатининг фуқаросиман!”, “Баркамол ва эркин, кучли ва жасур ёшлар - жамият таянчи ва келажагимиз бунёдкори” мавзуларида ғоявий тарғибот тадбирлари – авлодлар учрашувлари, давра суҳбатлари ва бошқа маърифий тадбирларни мунтазам ташкил этиш;

ўн иккинчидан, республика оммавий ахборот воситалари ва даврий нашрларида “Маънавий кадриятлар ва таълим ислоҳотлари” рукни ташкил этиш, ижтимоий тармоқларда “вебсайт”лар очиш ва уларда мазкур йўналишда амалга оширилаётган янгиланишлар ва сифат ўзгаришларини тарғиб қилишга доир мазмунан қизиқарли, жозибадор кўрсатув ва эшиттиришлар, мақола ва репортажлар ўрин олишини таъминлаш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИМЕНИ ШАРОФА РАШИДОВА**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ ШАРОФА РАШИДОВА**

ХАЙДАРОВ КОМИЛ ДОНАБАЕВИЧ

**ВОЗРОЖДЕНИЕ ДУХОВНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ОБНОВЛЯЕМОМ
УЗБЕКИСТАНЕ И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (DSc)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд–2022

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером 2020.3.DSc/Fa171

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме) на веб-странице (www.samdu.uz), по адресу (www.ziyounet.uz) информационно-образовательного портала “ZiyoNet.”

Научный консультант:	Назаров Киём Нормирзаевич доктор философских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хаджиева Максуда Султановна доктор философских наук, профессор Норкулов Дусмурат Ташпулатович доктор философских наук, профессор Хусейнова Абира Амановна доктор философских наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный транспортный университет

Защита диссертации состоится “_____” _____ 2022 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученой степени при Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова (зарегистрировано под №57). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; (0366) 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40).

Автореферат диссертации разослан “_____” _____ 2022 г.
(Протокол рассылки от “___” _____ 2022 года за номером _____)

Ш.Ш.Негматова
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

Х.А. Джуракулов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD), доцент

А.Р.Самадов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философских наук)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В развитии цивилизаций мира вопросы духовно-нравственного совершенствования человека, образования и воспитания, как составляющие его основу, всегда имели решающее значение. Хотя духовные и образовательные изменения в развитии государственности разных народов и наций основаны на их собственных особенностях, в конечном счете они проявляются как целостный социально-политический процесс, определяющий общие закономерности и тенденции процветания человечества. Поскольку главная цель человечества - обеспечение мирной и благополучной жизни, важность и влияние духовного фактора возрастают. В современном мире, где стремительно развиваются процесс глобализации, растет потребность в духовных ценностях и традициях, что увеличивает актуальность нашей темы.

В развитии мировой философской науки, в частности, в философском наследии мыслителей Востока и Запада, нравственное совершенствование человека, приоритет исследования общечеловеческих ценностей и их результатов в развитии человечества возрастает. Следует отметить, что накопление конкретного опыта в развитии философского мышления и его постепенная преемственность является основой современного образования, и эти критерии имеют определенное научное и теоретическое значение в социальной философии. В настоящее время этические критерии, связанные с вечностью, гармонией духовной зрелости человека с интеллектуальным развитием общества, ролью образования и воспитания в развитии человеческих качеств, их целостной связью и взаимодействием с учетом региональных и национальных особенностей на основе принципов толерантности становятся объектом исследования.

С первых лет независимости в нашей стране, такие вопросы, как возрождение, продвижение, развитие и внедрение национальных и духовных ценностей, усиление их воздействий на сознание личности занимают прочное место в государственной политике. В частности, сегодня – в условиях создания нового облика Узбекистана, фундамента третьей эпохи Ренессанса, повысилась потребность к духовному фактору и его значению. Эти процессы обновления требуют разработки предложений и рекомендаций, направленных на дальнейшее обогащение содержания действенности духовных ценностей и повышение ее эффективности. Ведь “достижение устойчивого приоритета духовно-нравственных критериев, национальных и общечеловеческих ценностей” становится важной задачей построения Нового Узбекистана²².

Диссертационное исследование в определенной степени послужит реализацию государственной политики в сфере непрерывного образования, изложенных в таких нормативно-правовых документах, как Указ Президента

²²О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы. Постановление Президента Республики Узбекистан. – Т.: Национальная база данных законодательства. 26.03.2021 г., №07/21/5040/0243.

Республики Узбекистан “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы” от 28 января 2022 года (УП-60), Постановления Президента Республики Узбекистан от 6 ноября 2020 года “О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования” (ПП-4884), от 3 мая 2019 года “О повышении эффективности духовно-воспитательной работы” (ПП-4307) и принятой на его основе “Концепции непрерывного духовного воспитания”, “О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы” (ПП-5039) и “Об образовании целевого фонда по поддержке сферы духовности и творчества” (ПП-5040) от 26 марта 2021 года, выступления на торжественном мероприятии, посвященном Дню учителя и наставника 30 сентября 2020 года, а также видеоселекторного совещания, проведенном 19 января 2020 года по вопросам коренного совершенствования системы духовно-просветительской работы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. “Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации²³.

Исследования, посвященные своеобразным особенностям философии и культуры народов Востока, роли и значению духовного наследия народов Востока в мировой цивилизации, взаимосвязи духовного и образовательного факторов в развитии общества проводятся в следующих научных центрах и высших учебных заведениях мира: Harvard University Near East Research Center (США), University of Cambridge (Великобритания), Tokyo University of Foreign Studies (Япония), Tsinghua University (Народная Республика Китай), Lomonosov Moscow State University (Россия), Национальный университет Узбекистана и Самаркандский государственный университет (Узбекистан), а также Institute of Oriental Manuscripts (Россия), Central Asia and Turkey Research centre (Россия), International Central Asian Research Institute (Россия).

В мире проведен ряд научно-философских исследований по изучению нравственных и интеллектуальных факторов развития общества, сравнительному анализу духовных культур различных народов, развития культурно-нравственных потребностей и совершенствования общечеловеческих ценностей, в том числе получены следующие научные результаты: во-первых, обосновано место и значение культурно-просветительского и нравственного фактора в современном мировом развитии, новые специфические направления в развитии культур народов

²³ Обзор зарубежных исследований подготовлен на основе материалов по теме www.Harvard.edu; www.cam.ac.uk; www.ox.ac.uk; www.stanford.edu; www.princeton.edu; www.yale.edu; www.Columbia.university; www.uchicago.edu; www.u-tokyo.ac.jp; www.ugla.edu; www.jhu.edu; www.nus.edu.sg; www.tsinghua.edu.cn; www.msu.ru; www.ru.wikipedia.org; www.nir.ru; www.gmir.ru; www.krfu.ru; www.central-asia.institute и других источников.

Запада и Востока (Harvard University Near East Research Center (США), University of Cambridge (Великобритания), Tokyo University of Foreign Studies (Япония), Tsinghua University (Народная Республика Китай); во-вторых, научно обоснована философская компаративистика, т.е. метод сравнительного исследования западных и восточных философских традиций (Lomonosov Moscow State University (Россия); в третьих, определены своеобразные особенности Восточной культуры, ее место в развитии общечеловеческой цивилизации, общественно-экономические и политические направления (Institute of Oriental Manuscripts (Россия), Central Asia and Turkey Research centre (Россия); в четвертых, обосновано новое направление в научно-философском изучении проблем современного востоковедения (International Central Asian Research Institute (Россия); в пятых, научно доказано место и значение духовного фактора в приобретении специфического менталитета народов мира (Национальный университет Узбекистана и Самаркандский государственный университет).

В настоящее время в научных исследованиях в этом направлении можно выделить следующее: во-первых, изучение теоретических аспектов религии и морали имеет приоритет над понятиями “духовность” и “ценность”; во-вторых, приобретают широкий масштаб проблемы, связанные с изучением истории, культуры, общие и специфические особенности, взаимодействие культур и языков народов Востока; в третьих, несмотря на наличие разнообразных подходов к изучению проблем Восточной культуры в различных регионах, наблюдается их поддержка со стороны государства; в четвертых, превращаются в объект исследования вопросы, связанные со значением технократических факторов в духовно-интеллектуальном развитии членов общества; в пятых, пересмотр с точки зрения социальной философии культурно-правовых факторов совершенствования молодежи.

Степень изученности проблемы. На Востоке идея духовного воспитания и достижения совершенства издавна была в центре внимания философов и мыслителей-мудрецов. В частности, если отдельные элементы духовных ценностей, взгляды на духовно-нравственное воспитание и роль образования в совершенствовании человека наряду с такими древнегреческими философами, как Платон²⁴, Аристотель, Демокрит, были научно убедительно выражены в трудах таких мыслителей Востока, как Фараби²⁵, Беруни, Ибн Сина, Ахмад Яссави, Имам Бухари, Имам Термизи, то этот процесс был доведен до совершенства в творчестве деятелей позднего Восточного ренессанса²⁶ и просвещенных джадидов²⁷. Верность ценностям,

²⁴Платон. Собрание соч. В 4-х томах. - Т.3. - М. Мысль, 1994. - 147 с. Работы других авторов включены в “Список использованной литературы” диссертации.

²⁵Фараби Абу Наср. Город знатных людей. – Т. : Издательство “Национальное наследие А.Кодыри”, 1993. – 224 с.; Работы других авторов включены в “Список использованной литературы” диссертации.

²⁶Амир Темур. Правила Темура / пер. с персидского А.Согуний и Х.Кароматова. – Т. : Изд. литературы и искусства Г.Гуляма, 1991. – 144 с.; Работы других авторов включены в “Список использованной литературы” диссертации.

²⁷Абдулла Авлони. Избранные произведения. В 2-томах. 1 т. –Т. : “Манавият”, 1998. Работы других авторов включены в “Список использованной литературы” диссертации.

пропагандируемым восточными учеными как важный фактор достижения духовного совершенства, являющегося смыслом жизни, в этом отношении они сами достигли уровня личного примера, - мудро трактуется в трудах ученых-востоковедов²⁸.

